

Сийрат дарслари (108-дарс). Садақанинг яхшиси беҳожатлик билан бўлганидир



13:09 / 30.10.2020 5248

426. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: **«Бир киши «Мен албатта, бирор нарса садақа қиламан», деди-да, садақасини олиб чиқиб, (билмай) уни бир ўғрининг қўлига бериб қўйди. Тонг отганда: «Ўғрига садақа берилибди», деб гапиришди. У эса: «Аллоҳим, Ўзингга ҳамд бўлсин! Мен, албатта, яна бирор садақа қиламан», деди. Садақасини олиб чиқиб, (билмай) уни бир зинокор аёлнинг қўлига бериб қўйди. Тонг отганда: «Бу кеча зинокор аёлга садақа берилибди», деб гапиришди. У эса: «Аллоҳим, зинокор аёлга бўлса-да (садақа қилганим учун) Ўзингга ҳамд бўлсин! Мен, албатта, яна бирор нарса садақа қиламан», деди. Садақасини олиб чиқиб,**

(билмай) уни бойнинг қўлига бериб қўйди. Тонг отганда: «Бойга садақа берилибди», деб гапиришди. У эса: «Аллоҳим! Ўғри учун ҳам, зинкор аёл учун ҳам, бой учун ҳам Ўзингга ҳамд бўлсин!» деди. Кейин уни олиб келиб, унга: «Ўғрига қилган садақангга келсак, шояд у (бу билан) ўғриликдан тийилса. Зинкор аёлга келсак, шояд у зиносидан тийилса. Бойга келсак, шояд у ибрат олиб, Аллоҳ унга берган нарсадан инфоқ қилса», дейилди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

427. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Садақанинг яхшиси беҳожатлик билан бўлганидир ва уни ўзингга аҳлу аёл бўлганлардан бошла»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

428. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам садақа беришга буюрдилар. Шунда бир одам: «Менинг бир динорим бор», деди. **«Уни ўзингга садақа қил»**, дедилар. «Менда яна бир динор бор», деди. **«Уни болангга сарф қил»**, дедилар. «Менда яна бир динор бор», деди. **«Уни аёлингга ёки жуфтингга сарф қил»**, дедилар. «Яна бошқаси бор», деди. **«Уни ходимингга сарф қил»**, дедилар. «Яна бошқаси бор», деди. **«Ўзинг биласан»**, дедилар».

Абу Довуд, Насойй, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан